

ОБЗОР ЛИТЕРАТУРЫ

LITERATURE REVIEW

DOI: 10.38095/2181-466X-20251203-85-87

УДК 616.24 - 002:579.841 – 036.22-084(575.151)

АҲОЛИ ОРАСИДА ЛЕГИОНЕЛЛЕЎЗЛИ ПНЕВМОНИЯ КАСАЛЛИГИНИНГ
ЮҚИШ ЙЎЛЛАРИ ВА ПРОФИЛАКТИК ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Б. Ш. Абдурахманов

Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро, Ўзбекистон

Таянч сўзлар: *Legionella pneumophila*, Легионеллеёзли пневмония, EWGLI, легионелла колииндекс, назорат-мониторинг.

Ключевые слова: *Legionella pneumophila*, *Legionella pneumonia*, EWGLI, индекс легионеллы, контроль-мониторинг.

Key words: *Legionella pneumophila*, *Legionella pneumonia*, EWGLI, legionella coli index, control-monitoring.

Легионеллеёзли пневмония касаллиги қўзғатувчиси *Legionella pneumophila* Ўзбекистон Республикасида ўрганилмаган, касаллик мавсуми ёз фасли бўлганлиги учун, ёз фаслида пневмонияга чалиган беморлар интоксикацион ва эпидемиологик хусусиятлари ўрганиш мақсадида беморлар орасида анкета сўровнома ўтказилди. Сўровнома натижалари асосида хавф омиллари аниқланди. Хонадонларда хавф омилларини етарлича профилактика қилиш учун тиббий маълумот йўқ. Сўровнома натижаларига асосида замонавий профилактика қилиш усуллари танлаб олинди.

РАСПРОСТРАНЕНИЕ И ПРОФИЛАКТИКА ЛЕГИОНЕЛЛЕЗНОЙ ПНЕВМОНИИ
СРЕДИ НАСЕЛЕНИЯ

Б. Ш. Абдурахманов

Бухарский государственный медицинский институт, Бухара, Узбекистан

На территории Республики Узбекистан не изучен, а сезон заболевания приходится на летний период, для изучения интоксикации и эпидемиологической характеристики больных пневмонией в летний период было проведено анкетирование среди больных. По результатам опроса были выявлены факторы риска. Медицинская информация, позволяющая эффективно предотвращать факторы риска в домашних условиях, отсутствует. По результатам опроса были выбраны современные методы профилактики.

TRANSMISSION AND PREVENTIVE MEASURES OF LEGIONELLA PNEUMONIA
AMONG THE POPULATION

B. Sh. Abdurakhmanov

Bukhara state medical institute, Bukhara, Uzbekistan

Since the causative agent of *Legionella pneumophila* has not been studied in the Republic of Uzbekistan, and the disease season is summer, a questionnaire was conducted among patients to study the intoxication and epidemiological characteristics of patients with pneumonia in summer. Based on the results of the survey, risk factors were identified. There is no medical information to adequately prevent risk factors in home condition. Based on the results of the survey, modern prevention methods were selected.

Легионеллелёзли пневмония бу – нафас олиш тизими зарарланиши, оғир интоксикация жараёнлари билан кечадиган ўткир бактериал ялиғланишли касаллиги. Қўзғатувчиси *Legionella pneumophila* грам манфий бактериялар ҳисобланади. *Legionella* билан ифлосланган хавфли манбалар бу сув миноралари (саноат совутиш миноралари), майиш иссиқ сув тизими, марказлашган совутиш тизими (йирик кондеционер), майиш совуқ сув тизими, фавворалар, сузиш сув хавзалари ва бошқалар киради. Европа давлатларининг бир қанча давлатлари билим ва тажриба алмашиш учун 1986 йил Легионелла инфекциялари бўйича ишчи гуруҳ (European Working Group for Legionella Infections, EWGLI) [1] тузилди. Ишчи гуруҳ эпидемиологик хавф манбалари учун инфекция колититр учун тавсиялар берди (1-жадвал).

1 жадвал.

EWGLI тамониядан тавсия қилинган профилактик чора-тадбирлар.

<i>Legionella</i> бактерия коли-индекс (КОЕ, СФА)	Профилактик чора-тадбир
1000 ёки ундан кам	Тизим назоратда
1000-10000 гача	Жараённи қайта кўриб чиқиш. Такрорий натижа ўзгаришсиз қолса хавф омиллари баҳоланади.
10000 дан кўп	Тузатиш ишлари ва профилактик чора-тадбирлар олиб борилади. Сувга керакли биоцид қўшилади. Касалланишга мойил контингент бор жойлар назорат қилинади(қариялар уйи, ДПМ ва бошқалар)

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) тамонидан 2013 йилда чоп қилинган мақолада *Legionella* бактериясига ҳароратининг таъсири ўрганилган [2].

70°C дан юқори – Легионелла деярли бир зумда ўлади, 60°C ҳароратда – 90% 2 дақиқа ичида ўлади, 50°C да – 90% штаммга қараб 80-124 дақиқа ичида нобуд бўлади, 48-50°C – омон қолиши мумкин, лекин кўпая олмайди, 32-42°C – ўсиш учун идеал ҳарорат оралиғи, 25-45°C – ўсиш содир бўладиган ҳарорат оралиғи, 20°C дан паст – омон қолиши мумкин, лекин уйқу ҳолатида, ҳатто музлаш даражасидан ҳам паст.

Бошқа илмий манбаларда бактерияга ҳароратни таъсири бошқача тарифланган [3] [4] [5]. Масалан 60-70 дан 80°C гача – дезинфекцияланади, 66°C – Легионелла 2 дақиқа ичида ўлади, 60°C – Легионелла 32 дақиқа ичида ўлади, 55°C – Легионелла 5-6 соат ичида ўлади, 20 дан 45°C гача – Легионелла кўпаяди, 20°C ва ундан паст -Легионелла инактив ҳолатида бўлади.

Legionella инфекциясининг эпидемиясига сабабчи бўлган хавф омиллари бўлган иссиқ сув тизими ва совуқ сув тизимини назорат қилиш асосий устивор вазифа ҳисобланади. Иссиқ сув тизимини ҳароратини 51°C юқори ушлаб туриш, совуқ сув тизимини 25°C ҳароратдан паст сақлаш инфекция кўпаймаслиғни олдини олади [6]. Совуқ сув тизимини ҳарорати етарли профилактик чора ҳисобланмайди. Совуқ сув тизимини биоцидлар (дезинфекцияловчи восита) билан бойитиш бактерия кўпаймаслиғини олдини олади. Турли хил давлатларда ҳар хил биоцидлардан фойдаланади. АҚШ да хлор диоксида ва монохлорамин ичимлик суви учун асосий дезинфекцияловчи восита ҳисобланади. Европа давлатларидан Италия ва Германия хлор диоксидидан, Буюк Британия монохлораминдан [7], Россияда [8] ва Ўзбекистонда ичимлик сувлари учун биоцид сифатида хлордан фойдаланади. *Legionella* бактериясини дезинфекция қилиш учун 0.5×10^{-6} хлор малекуласи етарли ҳисобланади. *Legionella* бактерияси юқори хавф даражасига етганда 3×10^{-6} хлор малекуласи дезинфекцияловчи миқдор ҳисобланади. Бу биоцидлардан фойдаланиш сув қувурларни (мис, темир) коррозиясига сабаб бўлиб, фойдаланиш муддатини қисқартиради [6].

Тадқиқот мақсади: Аҳоли орасида легионеллэзли пневмония касаллигининг юқиш йўллари ва олдини олиш чора-тадбирлари ўрганиш.

Тадқиқот материаллари ва усули: Жарқўрғон туман тиббиёт бирлашмаси бўлимларида ётиб даволанаётган беморларнинг анкета жавоблари тадқиқотимиз учун материал қилиб олинди. Стационарда ётиб даволанаётган беморлар анкета сўровнома ўтказилди.

Тадқиқот натижаси: Анкета сўровнома учун Жарқўрғон туман тиббиёт бирлашмаси бўлимларида даволанаётган 18 ёшдан юқори 67 нафар бемор танлаб олинган. Эпидемиологик хавф омили ҳисобланадиган ичимлик суви ва майший буюмлар(совутгич, музлатгич, сув иситгич) беморлар уйида бор йўқлиги тўғрисидаги саволга 67 нафар бемор бор деб жавоб берган. Ичимлик суви таъминотини ўрганиш учун берилган саволга 28 та бемор хонадонда водопровод суви, 9 та хонадонда қачат суви (4-6 м ер қудуғи), 16 та хонадонда марказлашган сув, 14 та хонадонда ташиб олиб келинадиган сув билан таъминланган. Легионеллэзли пневмония ҳақида биласизми саволимизга 67 нафар беморимиз йўқ жавобини берган. Ёз фаслида пневмония бўлган беморларни ешитганмисиз саволимизга 35 нафар беморимиз ешитганман деб жавоб берган. Кондиционер ёки дам олиш масканларида бориб пневмония бўлганларни биласизми анкета саволимизга 31 нафар беморимиз ешитганман деб жавоб берган. Легионеллэзли пневмония нималардан юқиши сўралганда 67 нафар беморимиз билмаслигини маълум қилган. Легионеллэзли пневмония диагностик ташхисотини 38 нафари қисман биламан деб жавоб берган. Легионеллэзли пневмония келтириб чиқарувчи асоратларини билиш даражаси ўрганилганда 67 нафари ҳам билмаслигини маълум қилган. Легионелла бактерияси тарқалиши учун хавф омили бўлган майший буюмлар (совутгич, музлатгич, сув иситгич)ни тозалаб дезинфекция қиласизми, берилган саволга 34 нафар бемор тозалаб, дезинфекция қилишлигини, 16 нафари қисман тозалашлигини, 17 нафари тозаламаслигини маълум қилган. Легионеллэзли пневмонияга чалинмаслик коидаларига амал қилишлиги сўралганда 12 нафари қисман риоя қилишлигини айтган. Дам олиш масканларида борганда шахсий гигиена коидаларига амал қилишлигини 67 нафар беморимиз тасдиқлаган.

Хулоса: Иссиқ сув тизимида сувни ҳароратини 51°C дан юқори ушлаб туриш, совуқ сув тизимида совуқ ҳароратини 25 °C паст сақлаш, ичимлик сувида хлор миқдорини 0.5×10^{-6}

6 хлор молекула сақлаш легионелла бактериясини тарқалишини олдини олиш учун профилактик чора-тадбир ҳисобланади.

Ўрганилган анкета сўровимизда кўриниб тўрибдики, барча бемор хонадонида хавф омиллари бор (совутгич, музлатгич, сув иситгич) бўлиб, уларни дезинфекциялаш қоидаларини билмайди, легионеллеёзли пневмония ҳақида беморлар тушунчага эга эмас. Юқиш йўлларига нисбатан профилактик ишлар ишлаб чиқилмаган. Аҳоли орасида ёз ойларида пневмонияга чалинган беморлар учрайди, этиологик сабабни аниқлаш учун замонавий диагностика усуллар жорий қилинмаган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. European Working Group for Legionella Infections. Дата обращения: 25 ноября 2013. Архивировано из оригинала 25 декабря 2012 года.
2. LEGIONELLA va legionellyozning oldini olish . 2013-yil 25-noyabrda olindi. Asl nusxadan 2011-yil 3-mayda arxivlangan.
3. Xavfsiz issiq suv harorati. 2011 yil 26 iyunda arxivlangan.
4. Maishiy issiq suv tizimlarida legionellalarni nazorat qilish . 2013-yil 25-noyabrda olindi. 2012-yil 1-oktabrda asl nusxadan arxivlangan.
5. Legionella nazorati bo'yicha ish beruvchilar qo'llanmasi . 2009-yil 8-fevralda olindi. Asl nusxadan 2008-yil 11-iyun kuni arxivlangan.
6. Hayes, Jon. Mis/kumush ionizatsiyasi ma'qullandi (mavjud havola - tarix) (neopr.) // Professional avtomobil yuvish va detallashtirish. - dekabr (25-jild , №12).
7. Evropa Ittifoqi ichimlik suvini zararsizlantirish qoidalari . 2013-yil 25-noyabrda olindi. 2013-yil 5-dekabrda asl nusxadan arxivlangan.
8. Rossiya suvni xlorlashdan voz kechishga tayyor emas — Izvestiya . Kirish sanasi: 2013 yil 25 noyabr. Arxivlangan 2013 yil 3 dekabr.